
ШАРҚИЙ ҲАРБИЙ ОКРУГНИНГ ФАРҶОНА ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН ҲАРБИЙ ҚИСМИДА КАПИТАЛ ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИЛГАН БИНО-ИНШООТЛАР ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Тадбирда вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, генерал-майор Ойбек Саидов, вилоят секторлари раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Дастлаб Шарқий ҳарбий округ тасарруфидаги бутунлай янги қиёфа касб этган уй-жойдан фойдаланиш қисми очилди. Бу ерда хизмат олиб бориш учун барча шароитлар яратилди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров сўнгги йилларда мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, қўшинлар жанговар шайлигини ошириш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, мустаҳкам ижтимоий ҳимоя, ҳарбий хизматчиларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлади. Хусусан, ҳарбий қисмларнинг инфратузилмасини янада яхшилаш, ҳар томонлама қулай, барча зарур шарт-шароитларга эга шинам хизмат хоналари билан таъминлаш мақсадида ҳарбий-маъмурий секторлар билан ҳамкорликда қурилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётганлиги қайд этилиб, мазкур фойдаланишга топширилаётган иншоотлар ҳам бунинг самараси эканлиги билдирилди.

Шунингдек, ҳарбий қисмда капитал реконструкция ишлари бажарилиб, тарих ўқув хонаси, маънавият маркази, шонли тарих музейи, спорт мажмуаси ва бир қатор бинолар ҳарбийларга тухфа қилинди. Тарих ўқув биносида Жалолоддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, жадидчилик намоёндалари хонаси ташкил этилди. Музейда эса ҳарбий қисмнинг ўтган йиллардаги фаолияти, ҳарбийларнинг хизмати акс эттирилган.

“Фарғона” ҳарбий дала-ўқув майдонида ҳам ўқув биноси қайта таъмирланиб, ишга туширилди.

Тадбир иштирокчилари янги таъмирланган бинолардаги шароитлар билан танишдилар. Қурувчилар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-28 20:30:52